

**Марғилон шаҳар “Дехкон бозори” акциядорлик жамияти акциядорларининг
2018 йил якунига кўра ўтказилган навбатдаги умумий йиғилиш
Баёнидан (Кўчирма)**

Йиғилиш ўтказилган сана – **22 июн 2019 йил**

Йиғилиш ўтказилган манзил – **Марғилон шаҳри Мустақиллик кўчаси**

Кузатув кенгаши аъзоси И.Тошбоев бугунги умумий йиғилишга қатнашувчиларни руйхатдан ўтказиш вақти тугаганлиги сабабли руйхатдан ўтган акциядорлар хақида маълумот беришни сўраб, санок комиссияси раиси О.Тожибоевга сўз берди:

Марғилон шаҳар “Дехкон бозори” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида иштирок этувчиларнинг руйхатга олиш муддати тугагандан сўнг, руйхатдан ўтган акциядор сони санаб чиқилганда қуйидагилар маълум бўлди:

Умумий йиғилишга қуйидаги овоз берувчи акциялар эгалари (уларнинг вакиллари) келишган.

1. Марғилон шаҳар хокимлиги номидан вакил Ғофуров Иқболжон Илхамович 2019 йил 04 июн кунги № 823 сонли ишончномага асосан **3113723** дона акция –**51** % овоз билан,

2. “Фаргонаазот” АЖ номидан вакил Ибрагимова Дилфуза Махмудовна 2019 йил 22 июн кунги №35/3065- сонли ишончномага асосан 1400000 дона акция –**22.93** % овоз билан,

3. “Марғилон Файз савдо комплекси” акциядорлик жамияти номидан вакил Мамаджонов Баходир Мамуржонович 2019 йил 20 июн кунги № 68- сонли ишончномасига асосан 1 107 дона 0.02 % овоз билан,

4. Фаргона вилояти “Дехкон бозори ва савдо комплекслари уюшмаси” номидан вакил Илхомжон Тошбоев 2019 йил 22 июнь кунги № 16-сонли ишончномасига асосан 8 160 дона 0.13 % овоз билан,

5. 273 дона 0,004 % овоз берувчи акцияга эгаллик қилувчи 4 нафар жисмоний шахслар руйхатдан утдилар.

Акциядорлик жамиятининг жами овоз берувчи акциялар сони **6 105 327** дона.

Жами йиғилган овоз берувчи акциялар сони **4 523 263** дона, бу эса овоз берувчи акцияларга нисбатан **74.08** %ни ташкил этади.

Юкоридагиларни инобатга олиб акциядорларнинг умумий йиғилишини ваколатли деб ҳисоблаймиз.

Санок комиссияси баёни қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан санок комиссияси таркибига ўзгартириш киритилмади ва қуйидаги номзодлар санок комиссияси аъзолигига бир овоздан яна бир йил муддатга сайландилар:

1. Тожибоев О. 2. Солиев А. 3. Каримова М.

Йиғилиш раиси этиб - И.Тошбоев хамда йиғилиш котиби этиб – Б. Мамаджоновлар қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқландилар.

-Шундан сўнг йиғилиш раиси сўз олиб, бугунги умумий йиғилишда кворум тўпланганлиги ва йиғилишни бошлаш мумкинлигини айтиб, йиғилишни тартибли олиб бориш учун ишчи гуруҳни сайлаб олиш мақсадида акциядорлардан таклифларни сўради.

Акциядорлар томонидан йиғилиш президиумига қуйидаги номзодлар тавсия қилинди:

4. И.Ғофуров – Марғилон шаҳар хокимлиги вакили
5. Ибрагимова Д -“Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи” АЖ вакили
6. И.Азизов – Жамият бошқарув раиси

Юкоридаги номзодлар қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқландилар

Йиғилиш раиси ишчи президиум аъзоларига ўз ўринларини эгаллашларини сўради ва кун тартиби, уни олиб бориш регламентини қатнашчиларига ўқиб эшитирди.

Йиғилиш кун тартиби ва регламенти қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси кун тартибидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, бугунги умумий йиғилиш кун тартибига ўн битта масала кўйилганлиги ва ҳар бир масала кўриб бўлингандан сўнг, музокаралар олиб боришни, қушимча равишда сўзловчилар бўлса, уларга сўз беришликни таклиф қилди. Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан тасдиқлаб ўз розилиklarини бердилар.

Кун тартибида:

1. Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
8. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти ижро органи аъзоларини қайта сайлаш.
9. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
10. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.

Кун тартибидаги саккизинчи, тўқизинчи, ўнинчи масалалар бўйича йиғилиш раиси ўз сўзини давом эттириб Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ ижро аъзоларини таркибини қайта сайлаш” масаласи юзасидан бошқарув органи аъзолигига қуйидаги номзодларни таклиф қилди:

1. Абдуллаев Ойбек – жамият раис ўринбосари
2. Мамажоновна Мадинахон – жамият бош ҳисобчиси

Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш
Жамият Низомининг 13-модда 13,2 бандида таъқидланганидек жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сон таркиби 5 (беш) нафардан иборат эканлиги ушбу низомга асосан номзодлар қуйидагиларни таништирди Яъни:

1. Гофуров Икболжон – Марғилон шаҳар Хокимлиги вакили
2. Тошбоев Илхомжон. – “Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили
3. Ортиқов Зухриддин – “Фарғона АЗОТ” АЖ вакили
4. Мирзаджанов Отабек. – “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” вакили
5. Джураев Ярданжон. – “Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили

Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш масаласи юзасидан тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидаги номзодларни таништирилди:

1. Астапова З.В.. – “Фарғона АЗОТ” АЖ вакили
2. Хамдамов М. – “Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили.
3. Расулов О. – Жамият акциядори

8-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
9-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
10-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
11-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.

Овоз бериш натижаларига кўра акциядорларни умумий йиғилиши қарор қилади.

1. Умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.
8. “Дехқон бозори” АЖ ижро органи аъзолигига номзодлар сайлансин.
 1. Абдуллаев Ойбек – жамият раис ўринбосари
 2. Мамажоновна Мадинахон – жамият бош ҳисобчиси
9. “Дехқон бозори” АЖ кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Гофуров Икболжон
2. Тошбоев Илхомжон.
3. Ортиков Зухриддин
4. Мирзаджанов Отабек.
5. Джураев Ярданжон.

- Маргилон шаҳар Хокимлиги вакили
- “Фаргона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили
- “Фаргона АЗОТ” АЖ вакили
- “Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи” вакили
- “Фаргона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили

10. “Дехкон бозори” АЖ Тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Астапова З.В.. – “Фаргона АЗОТ” АЖ вакили
2. Хамдамов М. – “Фаргона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили.
3. Расулов О. – Жамият акциядори

Жамият ижро органи раҳбари ва бош ҳисобчига ушбу йиғилиш қарорларини оммавий ахборот веб-сайдларига белгиланган тартибда ҳамда муддатларда жойлаштириш вазифаси юклатилсин

Йиғилиш раиси:

(Имзо)

И.Тошбоев.

Йиғилиш котиби:

(Имзо)

Б.Мамажонов.



Умумий йиғилиш баёни 2019 йил 26 июн куни тузилиб, имзоланди.